

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

Protected by PDF Anti-Copy Free

2019 йил, октябрь ойининг 29 кунини жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар суди, ўз биносида очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: А.Тура

судья ёрдамчиси Х.Аннинг котиблигида, Оҳангарон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Юлдашевнинг вояга етмаган гумонланувчи А.А.А., ва унинг химоячиси адвокат М.Мамедова ҳамда жабрланувчи И.И.И.,ларнинг иштирокида,

Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта,

да истикомат қилувчи, жиноят ишини тарафлар ярашганлиги муносабати билан судга юбориш ҳақидаги қарор нусхасини 2019 йил 17 октябрда олган вояга етмаган А.А.А.,га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган 1-1120-1901/91-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Вояга етмаган гумонланувчи А.А.А., 2019 йил 24 сентябрь кунини Оҳангарон шаҳар “Ноғойқўрғон” М.Ф.Й., Ноғойқўрғон кўчаси 56-уйда яшовчи И.И.И.,га тегишли бўлган нархи 2.000.000 сўм бўлган “Artel P5” русумли уяли қўл телефонини, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, И.И.И.,ни чалғиб қолганлигидан фойдаланиб, “Artel P5” русумли уяли қўл телефонини ўғирлаб олиб қўйган ва воқеа жойидан яширинган. Натижада фуқаро И.И.И.,га 2.000.000 сўм моддий зарар етказган.

Вояга етмаган А.А.А., суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи И.И.И.,га етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олишганлигини инobatга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.И.И., суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, вояга етмаган А.А.А., унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, унга нисбатан давоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганлигини, суд қарор қабул қилгандан сўнг, даъво қилиш ҳуқуқи йўқолишини, ярашув аризаси ихтиёрий ёзилганлигини, ҳозирги кунда уни кечирганлигини инobatга олиб, вояга етмаган А.А.А.,га нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроқ бўлган ва жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи И.И.И.ни ва вояга етмаган гумонланувчи М.Абдуллаевнинг ярашув ўғри аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Оҳангарон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш.Юлдашевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, вояга етмаган гумонланувчи А.А.А.,нинг айбига иқроқлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, вояга етмаган гумонланувчи А.А.А.,га нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

-жабрланувчи И.И.И.,га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмида кўрсатилган, яъни ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Вояга етмаган А.А.А.,га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи И.И.И.,га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасида кўрсатилган, яъни мазкур жиноят иши бўйича иш юритувни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида, Оҳангарон шаҳар суди орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Турапов

Аслига тўғри : _____